

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2022-YIL 28-YANVAR, JUMA

№ 4 (1372)

Фракция йиғилиши



ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АЙРИМ БАНДЛАРИ ИЖРОСИ ЭЪТИРОЗЛАРГА САБАБ БЎЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оши-

ришга оид Давлат дастурининг 2021 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи кўриб чиқилди. Фракция аъзолари томонидан мазкур Давлат дастурининг ҳар бир йўналишлари ва бандларининг ижросига масъул вазирилик ва идора вакиллари билан биргаликда ҳужжатнинг ижросини бандма-банд батафсил таҳлил этилишига алоҳида эътибор қаратилди.



Дикқат, янги рукн: ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚОТ



Тўлқин АЛИМАРДОНОВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

ТАНИШ-БИЛИШ ИЛЛАТМИ? ЁХУД ИЖТИМОИЙ ЮКСАЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ НИМАДА?

Азал-азалдан таниш-билиш, қавму қариндошчилик, қабила-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, етти пуштини суриштириш одаглари халқимизга хос қадимий фазилатлардан саналади. Биз доимо ота-она наслидан тоға-амакига, жиян-бўлага, ака-укага, қариндош-уруғга, ошна-оғайниларга, элу улусга қўлимиздан келганича ҳамдард ва хайрихоҳмиз. Ҳеч бўлмаганда, қандайдир масъулият ва жавобгарлик ҳиссини туямиз. Зотан, бизнинг барча тўй-маъракаларимиз ҳам эл билан бирга ўтади. Бу туйғулар ирсий ришталаримизни мустаҳкамлашга, ўзлимизни англашга, элпарварлик оқибатларини сақлаб, ривожлантиришга хизмат қилувчи бир маданий феноменга айланган, десак, ҳеч муболага бўлмайди. Бундай қадриятларга амал қилмаслик, бизнинг менталитетимизда урф-одатларга хиёнатдек туюлиши ҳам бор гап! Эл-юрт яхлитлиги, унинг обод ва фаровонлиги азалдан шу ришталарнинг мустаҳкамлиги билан боғлиқ бўлиб келган. Улар бир-бирига киз бериб, куда-андачиликни пайванд қилган. Бундай муносабатлар туркий элларнинг шаклланиш жараёнларини ифодалайди. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, халқнинг қадимдан шаклланиб келган турмуш тарзи унинг ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари мазмунида ўз ифодасини намоён қилади. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш муносабатлари миллий маданият таркибида шаклланади ва шунга мувофиқ муайян иқтисодий алоқаларни вужудга келтиради.



ОНЛАЙН САБОҚЛАР: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Албатта, барча талабалар дарсларга қатнашиши шарт. Аммо бу аҳволда дарсга қандай қатнашиб бўлади? Агар қолдирилган дарслар сони кўпайиб кетаявсиз, келажакда кадрлар салоҳияти даражаси қандай бўлади? Ахир уларнинг чет киш-лоқларда яшашлари айб эмас-ку!?



“МУАЛЛИМ ИЛА МУҲАРРИР МИЛЛАТНИНГ ИККИ ҚЎЛИДИР...”

«Шу ернинг об-ҳавосидан баҳраманд бўлиб камол топсангу, унинг шарафини ҳимоя қилмасанг, оёқ ости бўлишига, қадрсизланишига йўл қўйсанг, нобакор ажнабий ўз Ватанининг шон-шавкати учун ота-боболарининг киндик қони тўқилган ерингни ваҳшийларча топтаб, қонини симирса ва уни ўзининг ахлатхонасига айлантурса-ю, сен ҳиссизларча қараб турсанг ёки ундан қочсанг, ўзинг унинг ҳақоратланишига кўмаклашсанг, унда сен бу Ватанинг номусли ва содиқ фарзанди эмассан!»



Мулоҳаза

Халқ таълими вазирлиги жорий йил 24 январдан бошлаб мактаблар бир ой давомида онлайн шаклда фаолият олиб боришини маълум қилди. Бунга сабаб коронавирус инфекциясининг янги штамми болалар ва ёшлар ўртасида тарқалиш хавфининг олдини олиш. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг таклифларидан келиб чиқиб, вазирлик бундай қарорга келди.

ОНЛАЙН САБОҚЛАР:



Пандемия даврида болажонларимизнинг соғлиғини ўйлаб онлайн тизимга ўтилгани жуда яхши. Бу жиҳатдан фарзандларимиз касалликдан ҳимоялангани кўнгилмизга таскин беради. Аммо онлайн тизимдаги таълим сифати ижобий натижа бермаётганлиги кишини ўйлантиради. Тўғри, телевидение каналларида 1-синфдан то 11-синфгача онлайн дарслар узлуксиз бериб борилапти. Бундан халқимиз жуда миннатдор. Аммо интернет билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳануз бартараф бўлмаётганлиги кишини ажаблантиради. Интернет теълиги шаҳарларда яхши, аммо кўпсонли аҳолининг аксарият қисми яшаётган қишлоқ ҳудудларида-чи? Бу саволга ижобий жавоб топиш мушкул.

Қишлоқдаги аҳоли болаларининг бу тизимдан тўлақонли фойдалана олмаётганлигидан кўз юмиб кетиб

бўлмайди, ахир. Карантин даврида онлайн дарслар йўлга қўйилди. Бироқ ўқитувчилар учун айрим муаммолар пайдо бўлди. Масалан, онлайн дарсларда ўқувчиларнинг қамрови тўлиқ бўлди, дея олмаемиз. Чунки барча оилаларнинг ҳам бажарилган дарсларни телеграмдан вақтида етказиб туришнинг имкони йўқ. Айниқса, уч ёки тўрт нафар ўқувчи фарзанди бор ота-оналар ҳаммасига бирдек вақт ажратишда қийинчиликларга дуч келяпти. Шу каби ҳолатлар инobatта олинган ҳолда якуний баҳоларни чиқаришда

ўқувчиларнинг онлайн дарслардаги иштироки нисбатан юқори баҳоланади. Ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она учун ҳам бу жараёнда улар ўртасида эътирозлар кузатиляпти.

Узоқ тоғли қишлоқда яшайдиган танишларимдан бири эҳтиёжманд оилаларнинг болалари интернет тизими билан таъминланмаганлиги учун ўқитувчилар ниқоб тақиб карантин қоидаларига амал қилган ҳолда болаларнинг дарсликларни қандай ўзлаштириб етказиб беришга амак қилган хондонига бориб дафтар текшираётганликларини айтиб қолди. Қишнинг соғуғида қишлоқ оралаб ҳар бир шогирдининг таълим-тарбиясини ўйлаётган ўқитувчининг бундай фидойилигига таҳсинлар айтгани келади. Шу ўринда бу каби фидойий ўқитувчиларнинг иш ҳақиға устама қўшиб тўла-

ниши керамикан, деб ўйлайман. Шунингдек, чекка қишлоқ ҳудудларидан шаҳарга қатнаб ўқийдиган талабалар учун ҳам шароитлар етарли эмаслиги барчага маълум.

Узоқ тоғли қишлоқларда, айниқса, электр энергиясидаги узиллишлар ва интернет тезлигининг жуда пастлиги сабабли талабалар ҳам бирмунча мушкулликларга дуч келишяпти. Интернетдаги айни пайтда жуда зарур бўлган Moodle системасининг ўзи хали мукамал эмас, 4G интернет тезлиги эса баъзида умуман ишламай қолади. Албатта, барча талабалар дарсларга қатнашиши шарт. Аммо бу ахволда дарсга қандай қатнашиб бўлади? Агар қолдирилган дарслар сони қўнайиб кетaversа, келажакда кадрлар салоҳияти даражаси қандай бўлади? Ахир уларнинг чет қишлоқларда яшашлари айб эмас-ку!? Тўғри, излаган имкон топади, дейиш мумкин, лекин ҳозир айнан пандемия даврида интернет излаб бориб қаришонликка бориш ҳам ўнғайсизликка олиб келади. Онлайн ўқитиш тўғрисида қарорга келишимиз, ўқувчи ва талабаларнинг имкониятлари даражаларини ҳам инobatта олган ҳолда мазкур муаммоларни яна бир қайтадан қўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман.

Фахриддин ОРНФҲОНОВ,
“Адолат” СДП Сурхондарё вилоят кенгаши мафкуравий ишлар бўйича раис ўринбосари

Партиядошларимиз фаолиятидан

БУНЁДКОРЛИК ЗАВҚИ

Уч йил илгари бўлимизга “Адолат” социал-демократик партияси фаоллари ташриф буюришди. Улар билан суҳбат жараёнида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ислохотлар, парламент фаолияти, депутатларнинг ишлари ҳақида қўплаб кизикарли ва фойдали маълумотлар олдик. Ушанда туман кенгашининг раиси Захрехон Аҳмедова бизга бир қатор адабиётлар ҳам тақдим этди. Улар билан танишгач, барчамизда “Адолат” СДПга аъзо бўлиш фикри туғилди.



Шундай қилиб, бўлимда ишлайдиган ҳамма ходимлар партия сафига кирдик. Бошланғич партия ташкилоти тузилди. Унга ёш мутахассис Бехзод Жўраевни раис этиб сайладик. Бугунги кунда туманда ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқдамиз. Партия аъзоси бўлганимиздан кейин барчада ишга муносабат ҳам жиддий равишда ўзгарди. Ҳар бир ходимда ўз вазифасига нисбатан масъулият кескин ортди. Санобар Каримова, Нозимжон Жалолдинов, Элдор Каримов каби ҳамкасбларимиз, айниқса, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бўлимизнинг асосий вазифаси аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси замонавий талабларга жавоб беришини таъминлаш, пудратчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қурилишда янги техника ва технологияларни жорий этиш, юқори сифат ва самарадорликка эришишга кўмаклашиш кабилардир. Ҳар бир ходим мана шу йўналишда ўзининг куч-гайратини аямасдан меҳнат қилмоқда. Шу тўғрисида асосий вазифаси аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси замонавий талабларга жавоб беришини таъминлаш, пудратчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қурилишда янги техника ва технологияларни жорий этиш, юқори сифат ва самарадорликка эришишга кўмаклашиш кабилардир. Ҳар бир ходим мана шу йўналишда ўзининг куч-гайратини аямасдан меҳнат қилмоқда. Шу тўғрисида

Ўтган 2021 йилда ҳам туманда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда қатор ютуқларга эришилди. Асосийси, халқ турмуш фаровонлиги ўсди, шаҳар ва қишлоқларимиз янада ободлашди.

Эътиборли жиҳати – бундай қувончли ўзгаришларга эришишда бунёдкор қурувчиларимизнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Туманимизда ҳар йилгидан кўп турар жойлар фойдаланишга топширилди. “Яккатом” ва “Узумзор” маҳаллалари “Обод қишлоқ” дастури доирасида янги ва кўркам қиёфа касб этди. Янги корхоналар, шифохона, мактаб ва боғчалар қуриб битказилди. Кўча ва йўللار раванлашди, ичимлик сув, электр ва табиий газ таъминоти яхшиланди.

Бундай ажойиб ўзгаришларда жамоамизнинг ҳам меҳнати бор, албатта. Яқинда вилоят Қурилиш бош бошқармасида 2021 йил якунлари чиқарилди. Бўлимиз тизимдаги ташкилотлар ўртасида иккинчи ўринни эгаллаб, махсус диплом ва эсдалик совғасига сазовор бўлди. Албатта, бундай эътироф барчамизни бениҳоя хурсанд қилди.

Аммо ҳаёт бир зум ҳам тўхтамайди, кечаги натижалар билан мағрурланиб ўтиришга ўрин йўқ. Навбатдаги, янги, янада юксак марраларни эгаллаш учун ҳаракат қилиш зарур. Бу борада кўзланаётган мақсадлар қанчалик аниқ бўлса, шунча яхши. Яқинда эълон қилинган “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси билан танишиб чиқиб, ўзимиз учун янги вазифаларни белгилаб олдик. Айни пайтда уларни бажариш учун астойдил иш олиб бормоқдамиз. Бу билан юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг фаровон бўлишига улўшимизни қўшамиз. Шу тўғрисида асосий вазифаси аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси замонавий талабларга жавоб беришини таъминлаш, пудратчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қурилишда янги техника ва технологияларни жорий этиш, юқори сифат ва самарадорликка эришишга кўмаклашиш кабилардир. Ҳар бир ходим мана шу йўналишда ўзининг куч-гайратини аямасдан меҳнат қилмоқда. Шу тўғрисида

Алхамжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тўрақўрган туман қурилиш бўлими бошлиғи,
“Адолат” СДП фаоли

Худудлардан хабарлар

Янги депутатлар сайланди



Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Сессия кун тартибиде халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашининг бўшаб қолган депутатлик ўринларига бўлиб ўтган сайловда сайланган номзодларнинг депутатлик мақомини эътироф этиш бўйича ахборот берилди ва депутатларга депутатлик кўрақ нишонлари топширилди. Унда «Адолат» СДПдан сайланган халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши депутати Абдулазиз Носиров ҳам бор.

Бундан ташқари, бўшаб қолган депутатлик ўринларига бўлиб ўтган сайловларда “Адолат” СДПдан Сўхроб Саифназаров халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланди. Шунингдек, депутатларнинг 2022 йил учун иш режаси тасдиқланди.

Тошкент шаҳар матбуот хизмати

Сўровномалар



Ижобий ҳал этилмоқда

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати Тоҳир Полвоновга сайловчилар билан учрашувларнинг бирида беш йилдан буён «бел чурраси» касаллиги билан юрломлай азият чекиб келаяётган, 1973 йилда туғилган хивалик Мархабо Жуманиёзова ногиронликка чиқариб беришда амалий ёрдам сўраб мурожаат этган эди. Депутат аралашгач, бу масала ижобий ечимини топди.

– Одам соғлиғини йўқотиб қўйгач, далдага, моддий ва маънавий кўмакка жуда ҳам муҳтож бўлиб қолар экан, – дейди Мархабо Жуманиёзова. – Депутатимиз Тоҳиржон Полвоновга муаммо тўғрисида баён этган эдим. Тез фур-

сатда мени ногиронлик рўйхатига киритди. Эндilikда даволанишим учун моддий томондан қийналиб қолмайман. Депутатдан миннатдорман. Инсон кадри улўғланаётган юрда яшаётганимдан хурсандман.

Шунингдек, депутатга афгон уруши қатнашчилари бўлган жангчи фахрийларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари ҳам қаноатлантирилди ва уларга бепул тиббий кўрик ташкил этилиши режалаштирилди.

Тоҳир Полвоновнинг партия етакчиси, тажрибали тиббиёт соҳаси вакили ҳамда депутат сифатида олиб бораётган самарали фаолияти таҳсинга лойиқ.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

«Кун нури»да том ёпилди

Ҳар бир фуқаро мурожаати эътибордан четда қолмаган ҳолда, халқ дарди билан яшаш, муаммоларга ечим излаш ва сайловчиларга хизмат кўрсатиш ҳар бир депутатнинг вазифаси ҳисобланади.

«Адолат» СДПдан халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгашига 4-сонли «Кун нури» сайлов округидан сайланган депутат Анвар Қайпабаева ўз сайловчиларидан бири мурожаат йўллади.

Мурожаатга кўра Хўжайли тумани «Кун нури» МФЙ «Абай» кўчаси 5-уйда истикомат қилувчи фуқаро Набира Сапарбаева ўз уйининг том қисми эскиргани ва бу том қор ва ёмғирли об-ҳаво кунлари оила учун анча муаммоли ҳолатларни келтириб чиқараётганини билдирди.

Депутатимиз мазкур йўлланган мурожаатни ўрганиб чиқиб, уй учун зарур бўлган янги шиферларни ўрнатиб беришда амалий кўмак кўрсатди. Оила аъзолари депутатдан ва амалга оширилган ишлардан мамнун бўлди.

Бозорбой ҲАМБАЕВ,
Хўжайли туман кенгаши раиси



